



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (12.160)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Хабар берилганидек, Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди.



ЖАҲОН ГИМНАСТИКАСИ ЮЛДУЗЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЙИРИК МУСОБАҚАЛАР

Ўзбекистонга сайёрамизнинг барча қишлоқларидан спортнинг энг гўзал, нафис тури вакиллари ташриф буюрди. Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди. Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактаби спорт саройи томошабинлар билан гап-мулоқот. Спорт саройида вакиллари мусобақаларда иштирок этаётган мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳиллаб турибди.

Спорт, нафосат ва гўзаллик халқаро байрами Ўзбекистон гимнастикачи қизлари ҳамда санъат усталари иштирокида ҳаёт уйғунлигини ифода этуви театрлаштирилган «Йил фасллари» томошаси билан бошланди. Спорт, муҳаббат ва рақсини ўзида мужассам этган бадий гимнастика эса ушбу уйғунликнинг ифодасидир.

Саҳнага мусобақалар иштирокчилари чиқиб келади. Жаҳон кубоги босқичи беллашувларида Жанубий Корея, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Бразилия, Миср, Исроил, Индонезия, Мексика, Россия, Франция каби дунёнинг 18 мамлакатидан 120 нафардан ортиқ энг кучли спортчи қатнашмоқда.

Осиё ўйинлари кумуш медаль соҳибалари Жамила Раҳматова, Замира Санакулова, 2010 йилги Осиё чемпионати голибаси Азиза Мамажоновна, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритган Майя Филиппова ва Мафтунна Шамсиева мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Каримова-Тиллаева мусобақаларни очиб деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари Ўзбекистонда 2004, 2005 ва 2011 йилларда ҳам ўтказилган. Ушбу мусобақалар мақомига кўра, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионати яқин. Халқаро гимнастика федерацияси ушбу беллашувларни бу йил яна айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилган. Ўзбекистоннинг дунё спорти соҳасидаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Ўғил-қизларимизнинг спорт соҳасидаги улкан ютуқлари, халқаро мусобақаларда мунтазам галаба қозонаётгани, ёш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш учун яратилган барча шарт-шароитлар ҳам мамлакатимиз нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривож-

лантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаганидек, бугун уни-ўсиб келаётган французларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғун, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Оммавий спортни ривожлантириш, жумладан, болаларни ёшлигидан спорт билан шуғулланишга жалб этиш кўйилган мақсадларга эришишда улкан аҳамият касб этади. Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган чоралар билан салмоқли натижалар берилмоқда. Бу биз ҳақиқат равишида фахрланадиган вакилларимизнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришаётган кўлаб галабалари билан боғлиқдир. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг Универсиада спорт ўйинлари ҳам ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намойиш этмоқда. Улар болалар ва ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича ягона тизим сифатида атоқли спортчиларни тайёрлайдиган ҳақиқий мактабга айланади.

(Давоми 4-бетда)

Сўз халқаро мусобақа иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА

Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнири давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари мусобақа иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Ирина ШМУКЛЕР, мураббий (Исроил):

– Тошкентда бадий гимнастика бўйича ўтказилаётган жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнирига пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди. Иштирокчиларнинг нафақат ўз иқтидорини намойиш этиши, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Мехмонхоналарда хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган.

Ўзбекистонда бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга сазовордир.

Тереза ВАГНЕРОВА, гимнастикачи (Чехия):

– Мен мусобақада тўп ва ҳалқа ёрдамида рақс ижро этдим. Ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг ҳалқа ва тўпда ижро этган рақслари ўзининг мураккаб ҳаракатларга бойлиги ва аниқлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Уларнинг нафақат ижро санъати, соч турмаклар ва либосларига ҳам чин дилдан ҳавасим келди.

Дальо Дриалли НЕВЕС, гимнастикачи (Бразилия):

– Ўзбекистонда спорт соҳасига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буни замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт иншоотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай эътибор натижасида халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этаётган ўзбекистонлик ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бораётган. Улар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи ҳам муттасил ортаётгани ҳавас уйғотади.

Кармен ПЕТАН, гимнастикачи (Словения):

– Тошкентдек гўзал шаҳарда ўтказилаётган мазкур халқаро турнирда иштирок этиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Мусобақалар ҳар жиҳатдан юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Спорт саройининг томошабинлар билан тўлалиги юртингиз ёшлари спортга, жумладан, бадий гимнастикага қизиқишидан далолатдир.

Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА
эзиб олди

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2012 йил 22 май Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала киритилмоқда.

Қарор ва ижро

МАМЛАКАТИМИЗ КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда депутатлар, давлат бошқаруви органлари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, бизнес ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан яқин келажакда мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг аниқ мақсадли йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган Дастурда мамлакатимиз дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юқори малакали мутахассислар фаолиятини янада рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар назарда тутилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар соҳасида фаолият юритаётган ҳўжалик субъектлари учун берилган солиқ ва боғхона имтиёзлари натижа-

сида эришилган самарадорликни дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган компаниялар сони кўпайиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди. 2005 йилда бундай компаниялар сони қарийб 100 тани ташкил этган бўлса, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра улар 235 тага етди. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўлаб-қувватлаш бўйича ихтисослашган марказ самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий, ишончли ва хавфсиз миллий ахборот маълумотлар базасини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборот алмашишнинг электрон шаклига босқичма-босқич ўтишга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётган.

Бироқ, миллий софтвер саноати ҳали энг яхши халқаро амалиёт даражасига кўтарилган олгани йўқ. Дастурий таъминот бозори ва унинг экспорт миқдори, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишланмалар сони ҳам етарли даражада эмас.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида «Оила соғлом экан – жамият мустақкам,

жамият мустақкам экан, мамлакат барқарор» шиори остида Юнусобод туманида жойлашган Тошкент Педагогика-тиббиёт, Тошкент Молия, Юридик институтлари ва Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари ўртасида беллашув бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Тарихи Давлат музейида Халқаро музейлар кунига бағишланган маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН**да таълим олаётган талабалар, уларнинг ўқитувчилари ва кенг жамоатчилик учун

халқаро таълим бўйича алмашув дастурлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун кўмаклашиш мақсадида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида Тошкент Халқаро мактабиде бешинчи Халқаро таълим ярмаркаси ташкил этилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мўйноқ туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Фуқаролик институтларини ривожлантириш: жамоатчилик жамғармалари – ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишда самарали усул» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.

• Самарқандда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг юксак самаралари ҳақида сўз юритилди.

• Андижон вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларининг қучга кириши муносабати билан уларнинг мазмун-муҳиятини кенг аҳоли қатламларига етказиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг бир гуруҳ олимлари маҳаллий ўғитдан биогаз олиш қурилмасини яратишди. Ушбу технология қуёш энергияси ёрдамида ишлайди. У асосан, чўл шароитида чўпонлар ҳамда фермер ҳўжалиқларининг дала шийпонларини энергия билан таъминлашга мўлжалланган.

ЖАҲОНДА

• Мамлакат сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, Сербияда бўлиб ўтган Президент сайловларида Тонислав Николич 50,21 фоиз овоз олгани ҳолда галаба қозонди.

• Кеча Италия шимолида бир неча бор ер силқиниши содир бўлди. Ушбу zilzilаларнинг энг кучлиси 5,1 баллигидир. Ер қимирлашлари натижасида бир қанча бинолар вайрон бўлди, 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 дан ортиқ аҳоли тан жароҳатлари олди.

• Кеча Афғонистонда рўй берган сув тошқинлари натижасида 19 киши ҳалок бўлди, 60 дан ортиқ одам бедарак йўқолди.

• Бруней султони Ҳасанали Болкиахнинг 55 ёшли собиқ рафиқаси Марям Абдул-Азиз ўзининг тансоқчиси билан судлашмоқда. Тансоқчи аёлга қарашли 19 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тилла тақинчоқларни ўмарганликда айбланади.

• Япониянинг «Canon» компанияси рақамли фотоаппарат ишлаб чиқарувчи заводи автоматлаштирилади. Энди ушбу компания маҳсулотларини ишчи роботлар ишлаб чиқаради. Агар мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, 2015 йилга бориб компаниянинг яна учта корхонасида робот ходимлар иш бошлайди. «The Mainichi Daily News» нашрининг ёзишича, ўринларини машиналар эгаллаётган ишчилар энди маҳсулот сифатини назорат қилиш билан шуғулланади.

• Франциялик олимлар безгак касаллигининг олдини олувчи янги вакцина яратдилар. Шифокорларнинг таъкидлашича, ушбу вакцина инсон организмидеги иммунитетни ошириш ва қонга тушадиган бактерияларни йўқ қилиш хусусиятига эга. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, дунёда мазкур хасталик оқибатида ҳар йили миллионлаб одам ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг аксариятини ёш болалар ташкил этади.

Тадбиркорлик мамлакатда ислохотларни тезлаштирувчи омилдир. Шу бонс унинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Давр талабига мувофиқ мазкур меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш билан бирга назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ижроси юзасидан мунтазам таҳлилий кузатувлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилди. Амалидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ юртимизда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари билан Адлия органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳамда Юртбошимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг

ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш, рухсатсиз текширишлар ўтказиш каби ҳолатларга нисбатан Адлия бошқармаси томонидан қатор қонуний чоралар қўрилмоқда.

Жумладан, Учтепа туман ДСЭНМ овқатланиш гигиена бўлими масъул ходимлари томонидан тумандаги яқка тартибдаги тадбиркор Б.Кари-

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда 13 мингдан ортқ турли қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, бунга йўл қўйган 225 нафар шахс интизомий жазога тортилди. Шундан 20 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилиб, суд қарори билан 66 нафар шахс маъмурий жазога тортилган. Бошқарма томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш юзасидан тегишли давлат органларига киритилган тақдимнома ва кўрсатмаларга асосан 62 та қарор бекор қилиниб, ижроси тўxtатилди. Ноқонуний ундирилган 23 миллион сўмликдан ортқ маблағ тадбиркорларга қайтарилди.

Мисол учун пойтахтимизда фао-

жаат ўз вақтида ўрганилиб, уларда келтирилган муаммоларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилди, айримлари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларига киритилаётган инвестициялар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хорижий инвесторларни жалб қилиш асосида муҳим ва аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ қилиш — реал даромадлар ошишига ижобий таъсир этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майддаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни жавобгарликка тортиш ҳолларини текшириб, хато-камчиликларга барҳам беришга қаратилган жиддий чоралар кўриш масъулияти юклатилди.

Бу борада ўтган йил давомида хорижий инвесторлар манфаати йўлида судларга 151 та даъво аризаси киритилган бўлса, унга асосан, корхоналар фойдасига 73,5 миллиард сўм ундирилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш кераки, мамлакатимизда тадбиркорларга берилган ҳуқуқий имтиёз ва қарорлар тўғрисидаги тегишли ҳужжатларнинг амалдоши бўлиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши таъминлаш ҳам ижобий натижа беради. Шу мақсадда бошқарма томонидан тадбиркорлар учун доимий равишда «Очиқ эшиклар кўни», семинар ва давра суҳбатлари ўтказиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш эзгу мақсад қилиб белгиланган экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш адлия органларининг устувор вазифаси бўлиб қолади.

Хайридун ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар
Адлия бошқармаси бошлиги

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

мовнинг фаолияти юзасидан рухсатсиз текшириш ўтказилиб, тадбиркорга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган. Аниқланган ҳолат юзасидан айбдор шахсга нисбатан тегишли чора кўриш ҳамда қўлланилган маъмурий жаримани бекор қилиш ҳақида Тошкент шаҳар ДСЭНБга тақдимнома киритилди. Натихада мазкур ҳолатни юзага келтирган масъул ходимлар интизомий жазога тортилиб, тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий жарима бекор қилинди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Адлия бошқармаси томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқарилаётганлиги натижасида биргина ўтган йил давомида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибда тиклаш мақсадида судларга 1,9 миллиард сўмликдан ортқ 162 та даъво аризалари киритилди.

лият юритаётган «BINOKOR QURILISH KONSTRUKSIYASI» МЧЖнинг мурожаати ўрганилганда Бектемир туман ДСИ томонидан жамият ягона солиқ тўловидан умумбелгиланган солиқлар тўловига ўтказилганлиги важи билан ва бунинг натижасида юзага келган фарқ инкассо топшириқномаси орқали ундириб олинганлиги аниқланди.

Ўрганишлар якуни бўйича солиқ тўлови тури нотўғри белгиланганлиги оқибатида асосиз равишда ортқча ундирилган 15,1 миллион сўм маблағ жамият ҳисоб рақамига қайтарилди.

Тадбиркорликнинг ривожланишига дов бўлаётган ҳар қандай кўришдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар, тўсиқларни аниқлаш ва зудлик билан тегишли чора кўришда Адлия бошқармасида ташкил этилган «Ишонч телефони» ижобий самара бермоқда. Ўтган йил давомида «Ишонч телефони»га тадбиркорликка оид келиб тушган 105 та муро-

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, таълим-тарбия маслаҳатчилари ҳамда таҳриротчи-иланувчилар иштирок этди.

Давра суҳбатида бугунги кунда мамлакатимиз эришаётган ва дунёдан олаётган ютуқларимиз тўғрисида гапирилди. Юртимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигининг барқарорлиги, Ватан ҳимояси йўлида фидокорона хизмат қилувчи мард ва жасур ўғлонларни тарбиялаш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Бу борада икки ва уч авлод вакиллари учрашувларини ташкил этиш, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш учун жойларда маҳалларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

— Бугун қисқа давр мобайнида қўлга киритган улкан ютуқларимиз қадрига етишимиз керак, — дейди Тошкент Давлат иқтисодий университетининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори

Тошкент Давлат иқтисодий университетида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг «Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улук» номли иттервьюси доирасида «Инсон азиз, хотираси муқаддасдир!» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маҳмуд Болтабаев. — Қолаверса, «Шу Ватан — барчамизники», «Ватан тақдирга дахлдоримиз», «Узинг ёнмагунча ўзгаларни ёндира олмайсан» каби гоюларни педагогик таълим жараёнида интерфаол усуллардан кенг фойдаланган ҳолда талаба-ёшлар онига сингдириб бориш ҳам энг катта вазифамиздир. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, ютуқларимизни бугун дунёдан олаётганини, қўллаб мамлакатлар бизга ҳавас билан боқаётганини сир эмас. Мам-

лакатимиз ёшлари барча соҳаларда етакчи ўринга чиқаётгани ҳам қувонарли ҳодисадир. Бу борада ҳар биримиз инсон хотирасини абдийлаштириш, сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислохотларда фаол иштирок этмоғимиз даркор.

Давра суҳбатида авлодларро ворисийлик, ўзвийлик, анъаналар, қадр-қиммат каби тушунчаларнинг мазмуни таҳлил этилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



Асқар Ёқубов (ўзА) олган сурат

«Битирувчи — 2012» МАКТАБДАН — КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР САРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларида 2011-2012 ўқув йили якунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг самарали миллий тизими яратилди. Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардор мутахассисларни тайёрлаш, навқирон авлодга пухта билим бериш, миллий анъана ва қадриятларимизга сўдиқлик руҳида камол топтириш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Яқунлаётган 2011-2012 ўқув йилида таълим сифати ва мазмунини тубдан яхшилаш мақсадида мактабларни замонавий ўқув, услубий, компьютер ва мебель жиҳозлари билан таъминлашга доир кенг қўламали ишлар давом эттирилди. Ўқув жараёни оптималлаштирилган дастурлар асосида олиб борилди. 5-8-синфларда тахсил олаётган ўғил-қизлар «Билимлар беллашуви-2012», 9-синф ўқувчилари фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этди. Айни пайтда ўқувчи-ёшлар қўллаб спорт мусобақалари, санъат, бадий ижодига оид халқаро танловлар, фестивалларда қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг

таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиги Файзулла Аҳмедовнинг маълум қилишича, бу йил мамлакатимиздаги мавжуд ўн мингга яқин мактабни 560 минг 345 нафар 9-синф ўқувчиси тамомлайди. Ўқув йили давомида психологлар, педагоглар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокида болаларнинг қизиқиши, иштиёқи, лаёқати ўрганилиб, уларнинг муайян касб-хунарга мойиллиги аниқланди. Ўтказилган сўровлар натижасида, битирувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар муассасаларига ўқув, камраб олинишини таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Коллеж ва лицейларда мактаб ўқувчилари учун ўтказилган «Касбим — фахрим», «Касблар фестивали», «Очиқ эшиклар кўни» сингари тадбирлар ёшларнинг касб таълимига оид тасаввур ва маълумотларини янада кенгайтди.

Матбуот анжуманида журналларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Экология ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида узлуксиз экологик таълим тизимининг илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз таълим тизимини амалга оширилайётган изчил ислохотлар жараёнида экологик таълимнинг тобора ривожланаётгани юксак интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртиларида ёшларга экологик таълим-тарбия беришнинг муҳим таълим шакллантирилган. Тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим масканлари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган «Барқарор тараққиёт учун таълим» концепцияси ушбу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Миллий университети проректори А.Умаровнинг айтишича, университетнинг экология кафедрасида олий таълим муассасаларида малакали эколог мутахассислари ва юксак салоҳиятли илмий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу кафедрада учта давлат гранти бўйича илмий лойиҳалар амалга оширилаётди.

Анжуманда узлуксиз экологик таълимнинг истиқболлари, бу жараёндаги илмий-педагогик масалалар, малакали эколог мутахассисларини ва илмий кадрларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, етқузирини ривожлантиришда етуқ мутахассисларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

